

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КОРПОРАЦИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

Шахзод Хаятович Максудов

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

мустақил изланувчиси

shaklaser@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақолада саноат корхоналарини иқтисодий -ижтимоий ривожланишга инновацион ва интеграцион янгиликларни жалб этилиши ҳамда корпорацияларнинг жаҳон тажрибаладан фойдаланишнинг ўз ўрни борлигини кенг тарзда кўрсатилган.

Калит сўзлар: инновацион, интеграцион, интеграцион, саноат, корпорация.

WORLD EXPERIENCE OF CORPORATE ACTIVITIES IN THE CONTEXT OF ECONOMIC AND SOCIAL MODERNIZATION

ABSTRACT

This scientific article highlights the role of innovation and integration in the economic and social development of industrial enterprises, as well as the role of corporations in the use of world experience.

Keywords: innovation, integration, integration, industry, corporation.

КИРИШ

Миллий иқтисодиёт таркибидаги бизнес секторни ривожлантиришда маданият ва маънавиятнинг ўрнини алоҳида қайд этмоқ айтиш мумкин. Чунки маънавият нафақат ишбилармон-тадбиркорларнинг балки, миллатнинг юзага чиққан ақлий ва руҳий салоҳияти ҳамда ижодкорлик қобилиятидир, қолаверса ривожланишнинг бош омилидир. Юртимизнинг ижтимоий ва иқтисодий барча тармоқларини модернизациялаш, техник-технологик янгилаш ва ислох этиш жараёни ҳамда рақобатчиликка асосланган бизнес муҳит шароитида, давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган корхоналар негизида ташкил этилаётган хужалик субъектлари, шунингдек, акциядорлик жамиятлари

фаолиятини бошқариш самарадорлигини янада оширишнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг янада чуқурлаштириш борасида «... нафақат иқтисодиётнинг таянч тармоқларини, балки, энг аввало, ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва мамлакатимиз барча фуқароларининг ҳаётий манфаатларини таъминлашга ва уларнинг даромадларини кўпайтиришга доир истиқболдаги муҳим вазифалар туриши керак»[1]. Бу ҳолат, акциядорлик жамиятларини ривожлантириш стратегияси ва самарали бошқариш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларга Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегияси муҳимдир. Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантириш ва самарали бошқаришни ташкил қилиш жараёнларига “корпоратив бошқарувининг замонавий стандартлар, принциплари ва усулларни жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш” [2]. муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Корпоратив бошқарув концепцияси XX-аср бошларида чоп этилган адабиётларда қўлланилган. Хусусан, корпоратив муносабатлар тизими корпоратив ва хусусий мулкни бошқаришни қўллаш жараёни сифатида биринчи марта 1932 йилда америкалик ҳуқуқшунос олим А. Берли ва иқтисодчи Г. Минзнинг[3].классик ишларида ўрганилган. Уларнинг ишларида корпоратив бошқарув атамаси тилга олинмаган бўлса-да, улар корпоратив бошқарувни ишониб топширувчилар – principals (аутсайдерлар, инвесторлар) ва вакиллар - agents (инсайдерлар, бошқарувчилар) ўртасидаги агентлик муносабатларини ўрганишган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маълумки, жаҳон амалиётида корпоратив бошқарув тизимининг ўзига хос, бир-биридан ажралиб турадиган 3 та тури: инглиз-америка, немис ва япон моделлари юзага келган.

Корпоратив бошқарувнинг Америка модели (Англия, АҚШ) - ихтиёрий фуқарога шахсий бойликка эришиш имкониятини таъминлаш мақсадида

“аутсайдерлик”, яъни компания фаолиятига алоқадор бўлмаган гуруҳлар томонидан компания фаолияти назоратига асосланган.

Немис моделида корпоратив тузилмаларга акциядорлик жамиятларидан ташқари бошқа юридик шахслар: турли ширкатлар, хўжалик жамиятлари, хўжалик бирлашма кўринишидаги концерн, уюшма, холдинг ва шунга ўхшаш тузилмалар киради. Германия моделининг Америка моделидан фарқи, акциядорларнинг асосий капитали юридик шахслар кўлида сақланишдир. Яна бир муҳим жиҳати Германияда АҚШга нисбатан фонд биржаси камроқ даражада ривожланган. Германия иқтисодиётида иштирок этаётган барча компанияларнинг фақат 12 фоизга яқини Лондон фонд биржаси ва 10 фоизга яқини АҚШ фонд биржаларида котировка қилинади[4].

Япония моделида эса, кўпгина компанияларнинг йирик акция пакетлари катта банк ва молия гуруҳлари портфелида мужассамлашганлиги билан ажралиб туради. Йирик акция пакетига эга бўлган акциядорлар корхона бошқарувида бемалол иштирок эта оладилар. Корпоратив бошқарувнинг японча моделидаги ўзига хос хусусият компаниянинг асосий акциядорлари компанияга келиб тушаётган даромадларидан воз кечишлари эвазига гуруҳда бирга фаолият юритиб каттарок даромад олишлари каби имкониятларнинг мавжудлигидир. Япония корпоратив бошқарув моделининг яна муҳим бир жиҳати ўзида юқори бизнес маданиятни акс эттириб, унда ўзаро ишончга асосланган узок муддатли шахсий муносабатлар, шартномалар муҳим аҳамият касб этади. Япония моделида акциядорлик жамиятларининг конунчилик ва қимматли қоғозлар билан операциялари тартибга солиниши Америка модели таъсирини ўзида мужассам этади. Корпоратив бошқарувнинг инглиз-америка, Германия (континентал) ва Япония моделларини ажратиб курсатиш анъанавий ҳисобланади[5]. Инглиз-америка моделига тарқоқ; аутсайдерлик акциядорлик мулки, корпоратив бошқарувнинг икки поғонали тизими (Директорлар Кенгаши ва ижроия дирекцияси) мавжудлиги, корпорациялар фаолияти устидан назорат қилишнинг либерал воситаси сифатида фонд бозорининг роли муҳим эканлиги хосдир.

Германия модели қоидага кўра, марказлаштирилган характерга эга бўлган катта хажмдаги инсайдерлик мулки мавжудлиги билан тавсифланади. Германия модели доирасида уч поғонали корпоратив бошқарув тизими ўринга эга бўлиб, унда Директорлар Кенгаши ва ижроия дирекциясидан (корпорацияни жорий бошқариш органи) ташқари, корпоратив бошқарув тизими устидан мустақил

назорат функциясини амалга оширадиган кузатув кенгаши ҳам мавжуд. Бундан ташқари, Германия моделига холдинг компанияларига тегишли бўлган катта ҳажмдаги корпоратив мулк мавжудлиги ҳам ҳосдир.

Япония модели инглиз-америка модели ва Германия модели билан таққослаганда корпоратив бошқарувнинг ахборот жихатидан кўпроқ «ёпик»лиги билан тавсифланади. Ушбу модель доирасида корпорацияларни бошқариш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга молия институтлари, биринчи навбатда, саноат корпорациялари фаолиятини молиялаштириш соҳасида ҳам, корпоратив назорат соҳасида ҳам кенг доирадаги функцияларни бажарадиган йирик банк тузилмалари жиддий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда иқтисодийни модернизациялаш ҳам "қўлга олиш" модели ёрдамида амалга оширилмоқда. Ўрта муддатли истиқболда" 2016-2020 йилларга мўлжалланган ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури", узоқ муддатли истиқболда 2030 йилга қадар стратегия муҳим аҳамият касб этади. 2016-2018 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси аҳоли фаровонлигини ошириш стратегияси.

Мингйиллик ривожланиш мақсадларига мутаносиб равишда ишлаб чиқилган, чунки унинг асосий мақсади аҳоли турмуш даражасининг барқарор ва сифатли ўсишига еришиш, шунингдек, ижтимоий – иқтисодий сиёсат доирасидаги энг самарали чора-тадбирлар ва механизмларни қабул қилиш устуворликларини аниқлашдан иборат. Шу 2016-2020 йилларга мўлжалланган ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури доирасида қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб олинди:

- мавжудларини изчил модернизация қилиш ва электр энергетика саноатида янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш;
- нефт-газ ва нефт-кимё саноатида юқори қўшилган қиймат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ассортиментини ошириш;
- кимё саноатида ишлаб чиқариш ва экспортни диверсификациялаш;
- технологик раҳбарлар билан биргаликда ускуналарни import ўрнини босувчи турларини ишлаб чиқариш учун янги ва мавжуд ишлаб чиқариш объектларини кенгайтириш;
- тўқимачилик ва charm-поаябзал саноатининг товар таркибини такомиллаштириш;

- электр ускуналар ишлаб чиқариш учун юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини жадал ривожлантириш ва ривожлантириш;

- фармацевтика саноати ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот турларини кескин кенгайтириш;

- озиқ-овқат саноатининг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш.

Юқоридагиларни умумлаштириб қуйидаги хулосаларни баён қилишимиз мумкин:

1. Модернизациянинг моҳияти-давлат иқтисодиётининг бутун иқтисодий тизимини сифат жиҳатидан ўзгартиришнинг ҳаракатлантирувчи кучлари сифатида танланган Реал секторнинг асосий тармоқларига жамғарма ва инвестицияларни жамлашдир.

2. Модернизациянинг ҳаракатлантирувчи кучлари инвестиция ва меҳнат ресурслари, лекин иқтисодиётни модернизациялаш шароитида анъанавий ёндашувдан фарқли ўлароқ, капитал ва меҳнатдан ташқари, иқтисодий ўсишнинг янги омиллари ва заҳираларини топиш ва фаоллаштириш зарур.

3. Иқтисодиётни замон талабларига жавоб берадиган, хусусан, Марказий Осиё мамлакатларида қўлланиладиган иқтисодий модернизациялаш модели иқтисодиётни тартибга солувчи давлат асосий майдонни мажбур қиладиган IT моделига кўпроқ мос келади.

ХУЛОСА

Умумий қилиб айтилганда, модернизация қилиш жараёни негизида доимо молиявий маблағлар сарфи ётади. Бу ўз навбатида асосий капиталга киритилган инвестициялар билан боғлиқдир. Саноат сиёсати миллий иқтисодий тизимнинг саноатни қўллаб-қувватлашга ва барқарор ўсишига йўналтирилган иқтисодий, сиёсий ва ташкилий тадбирларнинг мажмуи ҳисобланганлиги боис, унинг асосий мақсади мамлакат иқтисодиётининг жадал ривожланиши, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг фаровонлигини ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишдир. Шу нуқтаи назардан саноат сиёсати эскирган ишлаб чиқариш тузилмаларини бартараф этади ҳамда замонавий тузилмаларни шакллантиради, илмий-техник тараққиётни жадаллаштиради ва бошқарувни такомиллаштиради, шунингдек жаҳон иқтисодиётини глобаллашувининг объектив талабларига мослашувчан-лигини янада ошириб боради. Республикасида стратегик контекстда макроиқтисодий барқарорлик ва мутаносиб иқтисодий ўсиш сифатини таъминлашда мувозанатли ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ўсиш сифатини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги ҳудудий ижтимоий-иқтисодий

ривожланишдаги ассиметрик тафовутнинг мавжудлиги, мавжуд иқтисодийресурс салоҳиятдан унумли фойдаланиш ва нисбатан паст даражада ривожланган ҳудудларда иқтисодий ривожлантиришни жонлантиришга қаратилган фаол ҳудудий инвестиция сиёсатини амалга оширишни тақозо қилади. Бунда ҳудудий молиявий-инвестицион салоҳиятни тўғри баҳолаш ва бошқариш негизида инвестицион фаолликни янада жонлантириш бўйича ислохотларни чуқурлаштиришни талаб қилмоқда. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ягона тизим асосида қуриш, шунингдек, республика ва маҳаллий бюджетларнинг шаклланишида ҳудудий инвестиция сиёсатини амалга ошириш, ҳудудда янги иш ўринларини яратиш орқали ишсизликни пасайтириш, аҳолининг даромад манбаини ошириш орқали товар ва хизматларга бўлган талабни шакллантириш ва ҳудудий имкониятлардан (ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти) максимал фойдаланиш уларни самарали бошқаришда муҳим ҳисобланади. Ижтимоий иқтисодий ривожланишимизга бизнинг шарт шaroитларимизга мос келиши керак ва замонавий жаҳон корпорацияларнинг тажрибасини мос равишда қўлашимиз керак. Ўзбекистонда корпорацияларни бошқариш моделларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган моделлардан ҳеч бири бошқасидан яққол устунликка эга эмас ва миллий иқтисодиётлар учун универсал ҳисобланмайди, бунинг натижасида, кўплаб мамлакатлар турли моделларнинг алоҳида қисмларини комбинациялаш вариантларидан фойдаланилади. Шунинг учун моделни танлаш мезони - мазкур мамлакатда кечаётган иқтисодий жараёнлар динамикасига мос бўлган корпоратив бошқариш тизимини барпо этишдан иборат бўлиши зарур. Ўзбекистонда корпоратив секторда йирик инвесторлар ҳамда кенг қўламда капитал бозорга молиявий ресурсларни жалб этиш ва бошқаришга қаратилган англо-саксония моделини баъзи элементларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида кириш тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // Ҳалқ сўзи газетаси, 2016 йил 15 декабрь, №247 (6682)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонинг 1-илоvasи “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”
Lex.uz

3. Berle A, Means G. The modern Corporation and Private Property – New York: Macmillan, 1932-489 p.

4. Радыгин А.Д., Энтов Р.М., Межераупс И.В. Особенности формирования национальной модели орпоративного управления. – М: ИЭПП, 2008-стр.

5. Jonathan P. Charkham. Keeping Better Company: Corporate Governance Ten Years On. “Oxford University Press”, 2005 P.127.